[illegible] а УзССР

Туркистон бир, ватан бир

Туркистон

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий газетаси

1993 йил 9 сентябрь • Пайшанба • № 104 (14132) تركستان * TURKİSTAN Сотувда эркин нархда

КУЗ САХОВАТИ

Нақадар хушманзара бу! Сумбуланинг сарин, «Амирий» шираснни тирсаккача оқизиб ейдиган кунларида юртимиз пайкалларида улкан-улкан қовун чошлари уйилмоқда. Баракаси учмасин бу хирмонларнинг! Эътибор қилган бўлсангиз, бир-бирига қовун отаётган йигитларнинг сафи ҳеч узилмайдигандек туюлади гўё. Бу элнинг ҳалол нон-насибаси еру-осмон туташган уфқлардан оқиб келаётгандек. Далалар оша турфа гуллар ва ёвшанлар ҳидини сочиб юрган шамолнинг пайкални қучоғига олган қовун исини ҳайдаб кетишга кучи етмайди. Пайкалларинг доимо тўкин, бағринг мудом бутун бўлсин элим!

Ш. ОЛИМОВ сурати.

БИР ЙИЛДАН СЎНГ УЧРАШАМИЗ

Наманганда бундан бир ой муқаддам бошланган, «Наманган олмаси» деб аталган биринчи халқаро саёҳатчилар фестивали якунланди. Фестивалда Қирғизистон, Тожикистон, Туркия, Амриқо Қўшма Штатлари, Украина, Сибирь шаҳарларидаги саёҳат ташкилотларининг вакиллари иштирок этдилар.

Байрам дастури ниҳоятда бой эди. Иштирокчилар вилоят марказининг кўзга кўринарли жойлари билан танишдилар, қатор саноат корхоналари жамоалари билан учрашдилар.

Фестиваль доирасида турли саёҳат ташкилотлари, фирмалари ўртасида кейинги йилга шартномалар тузилди.

Фестиваль ташкилотчилари уни анъанавий қилиб, ҳар йили ўтказишга қарор қилдилар.

УЗОҚҚА КЕТОЛМАДИ

Қизилқум саҳросидаги илонизи йўлларнинг бирида юк машинаси тўхтатилди. Қозоғистонлик фуқаро Мустақим Бекжонов «ГАЗ—53» маркали давлат автомашинасига 3 бош туя ва 2 бош қорамол ортиб кетаётган экан. Учқудуқ туманидаги қишлоқ кенгашларидан бирининг раиси уни ҳимоясига олиб, «мазкур туманда яшайди, моллар ўзиники» деган мазмунда маълумотнома ҳам ёзиб берган экан. Ҳайдовчининг ҳужжатлари текширилганда, у Чимкент вилоятининг Еттисой туманида яшаши маълум бўлди.

Моллар мусодара қилиниб, ҳайдовчига жарима солинди. Унинг «ҳомий»лари қилмиши юзасидан эса тергов бошланди.

НОДИР БУЮМЛАР КЎРГАЗМАСИ

Бухоро амирининг собиқ ёзги қароргоҳида «Бухоро амирига совға-саломлар ва сарой жиҳозлари» кўргазмаси очилди. Унга ўзининг чиройи ва безаклари билан кишини ҳайратда қолдирадиган кўзалар, идиш-товоқлар, серҳашам гиламлар, тасвирий-амалий санъатга мансуб бошқа нодир буюмлар қўйилган.

Кўргазмага қўйилган буюмларни амирга турли давлатларнинг элчилари, савдогарлар совға қилишган. Турли давлатларнинг қўли гул усталари ясаган бу буюмлар орқали Бухоронинг маданий ва савдо алоқалари тарихидан хабардор бўлиш мумкин. Бу қадимги шаҳар юз йиллар давомида буюк ипак йўлининг энг улкан марказларидан бири бўлган эди.

Сўнгга хабар

ЧОРТОҚ ЯКТАГИ

Пахта тозалаш заводи қошида ташкил этилган тикувчилик фабрикасида яктак тикиш йўлга қўйилди.

Бир йил илгари ташкил этилган корхонада дастлаб 35 киши меҳнат қилар, ойига 2—2,5 минг дона эркаклар кўйлаги тикилар эди. Маҳсулотга талаб ортгач, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга тўғри келди. Завод маъмурияти саъй-ҳаракати билан Япония ва Жанубий Кореядан яна 10 та тикув машинаси келтирилди. Энди ишчилар сони 75 нафарга етди. Ойига 13 турдаги қарийб 10 минг дона кўйлак тикила бошлади. Янги маҳсулот — яктак ва ўқувчи қизлар кўйлаги айниқса харидоргир. Йил охиригача 70 миллион сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш мўлжалланяпти.

ПАРВОЗГА МАРҲАМАТ

Андижондан Тошкентга ҳар куни қатнайдиган самолётлар сони 6 тага етди. Маҳаллий аэропорт ходимлари Алматига ҳам 3 та мунтазам қатновни йўлга қўйдилар. Эндиликда бу ҳаво йўлларида хизмат кўрсатадиган ЯК—40 самолётлари «Андижон» ҳаво порти ихтиёрида бўлади.

Вилоят марказидан Сургут ва Нижневартовск шаҳарларига ҳам ҳаво йўли очилди. Шунингдек, ҳар ҳафтада бир марта Москвага самолёт қатновини яна тиклаш ва Андижон билан Хитойнинг Қашқар шаҳрини боғлайдиган биринчи халқаро ҳаво йўлини очиш бўйича тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

НУРОТА КАШТАЛАРИ

Қадимгилар Нурота чеварлари тиккан сўзанага хонликнинг ярмини берса арзийди, дейишган. Бу муболаға, албатта. Аммо, каштачиларнинг маҳоратига қойил қолмасликнинг иложи йўқ.

Ангрен ўлкашунослик музейида очилган «Нурота кашталари» кўргазмасида бўлсангиз, бунга ишонч ҳосил қиласиз. Кўргазмада сўзана, дўппи, рўмол, жойнамоз, чойшаб кабилар намойиш қилинмоқда. Улар ўзининг ғоят чиройлилиги, юксак маҳорат намунаси эканлиги билан ажралиб туради.

Ўлканинг анъанавий ҳунармандчилигига мансуб бўлган бу ажойиб каштачилик намуналари Навоий ўлкашунослик музейи фондининг экспонатларидир.

ОБОДОНЧИЛИК УЧУН... 6 МИЛЛИОН СУМ

Халқимизда яхши одат бор: бирор тўй ёки бошқа тадбир олдидан ҳовли-жойларни озода, саранжом-саришта қилишади. Сурхондарёда Ўзбекистон мустақиллигининг икки йиллиги байрами олдидан миллий мафкура акс этган панно, шиорлар ёзиш, тозалик ва ободончиликка бағишланган вилоят кўриги ўтказишга қарор қилинган эди.

Кўрик якуни тўғрисида вилоят ҳокими қарор қабул қилди. Унда таъкидланишича, кўрикда биринчи ўринни эгаллаган Шўрчи райони (ҳокими Эшболта Шерматов) 3 миллион сўм билан мукофотланди.

Кейинги ўринлар насиб этган Денов райони 2 миллион, Денов шаҳри эса 1 миллион сўм билан тақдирланди.

Байрам олдидан ўтказилган бу тадбирнинг нафи шунда бўлдики, мустақилликни улуғловчи кўпдан-кўп шеърлар ёзилди. Минглаб уйлар ҳамда бинолар таъмирланди. Бироқ, Бандихон, Қумқўрғон, Қизириқ ноҳияларида кўрик шартларини бажариш ҳамда ободончиликка эътибор сусайгани маълум бўлди.

ЁШ РАССОМЛАР ТАКЛИФ ЭТАДИ

Тошкентдаги Киночилар уйида пойтахт ёш рассомлари асарларининг кўргазмаси очилди. Ўз асарларини томошабинлар ҳукмига ҳавола этган рассомлар орасида Б. Назаров, Ж. Раҳмонов, А. Нуриддинов ва бошқалар бор.

Рассомларнинг ижодий қиёфалари, идроклари ҳар хил бўлишига қарамай, кўргазмага қўйилган асарларда кўпгина умумийлик бор. Бу асосан миллий тасвирий санъат анъаналарига бўлган ихлосмандликда кўзга ташланади.

Кўпчилик асарларда жонажон ўлка, унинг сахий замини, меҳнаткаш одамларига бўлган меҳр-муҳаббат тараннум этилган.

«Туркистон» ва УзА мухбирлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

ҚИММАТЛИ ВА ЙЎҚОЛИБ БОРАЁТГАН ЎСИМЛИКЛАР ҲАМДА ҲАЙВОНЛАР ТУРЛАРИНИ МУҲОФАЗА ЭТИШНИ КУЧАЙТИРИШ ҲАМДА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТЎҒРИСИДА

Қимматли ва йўқолиб бораётган ўсимликлар ҳамда ҳайвонлар турларининг нодир генофондини муҳофаза қилиш ва сақлаб қолишни кучайтириш, ёввойи ҳолда ўсувчи доривор, озуқа ва манзарали ўсимликларнинг турларини, ёввойи ҳайвонлар маҳсулотларини четдан республикага олиб киришни ва республикадан четга олиб чиқиб кетишни тартибга солиш, уларнинг тури ва сони сақланишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. Мулк шаклидан, хўжалик фаолияти туридан ва кимнинг тасарруфида эканлигидан қатъи назар барча корхоналар ва ташкилотларга, шунингдек, хусусий шахсларга тегишли рухсатномаси бўлмай туриб ёввойи ҳайвонларнинг (шу жумладан заҳарли жониворлар ва балиқларнинг) қимматли ва йўқолиб бораётган турларини овлаб тутиш (отиш), тутқинликда сақлаш ва республикадан четга олиб чиқиб кетиш, улардан заҳар олиш ва бу заҳарларни сотиш, доривор, озуқа ва манзарали ўсимликларнинг ёввойи турларини тайёрлаш ман этилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки,

«Қизил китоб»га киритилган ўсимликлар ва жониворларни табиатдан ҳар қандай кўринишда тортиб ажратиб олишга, алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси тақдимномаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг хулосасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси берадиган рухсатномалар асосидагина йўл қўйилади:

овланадиган ҳайвонларни (шу жумладан заҳарли жониворлар ва балиқларни) овлаш ҳамда уларнинг маҳсулотларини тўплаш, ёввойи ҳолда ўсувчи доривор, озуқа ва манзарали ўсимликларни тайёрлаш Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг хулосалари асосида Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси берадиган рухсатномалар бўйича амалга оширилади;

«Қизил китоб»га киритилган ёввойи ҳолда ўсувчи доривор, озуқа ва манзарали ўсимликларнинг турларини, ёввойи ҳайвонларни (шу жумладан заҳарли жониворлар ва балиқларни), уларнинг маҳсулотларини, коллекциялар, гербарийлар ва ўлжаларни четдан Республикага олиб кириш ва республикадан четга олиб чиқиб кетишга Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг хулосалари асосида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги берадиган лицензиялар бўйича рухсат этилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддат ичида:

ёввойи ҳайвонларни (шу жумладан заҳарли жониворларни) кўпайтириш ва уларнинг маҳсулотларини олиш мақсадида тутқинликда сақлаш тартибини;

«Қизил китоб»га киритилган ёввойи ҳайвонлар ва ўсимликларни овлаганлик (отганлик), тўплаганлик, сотганлик ва республикадан четга чиқиб кетиш учун тўланадиган ҳақ миқдори, уни ундириб олиш ва бюджетга ўтказиш тартибини, шунингдек, ёввойи ҳолда ўсувчи доривор, озуқа ва манзарали ўсимликлар тайёрлашга рухсатномалар бериш тартибини тасдиқласин.

4. Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси, прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси ўсимлик ва ҳайвонот олами табиий бойликларидан фойдаланилиши, уларни четдан республикага олиб кириш ва республикадан четга олиб чиқиб кетиш қоидаларига риоя этилиши устидан лозим даражадаги назоратни таъминласинлар.

5. Ушбу қарор ижросини назорат этиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси
Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 3 сентябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Р. В. АБДУҚОДИРОВГА ФАХРИЙ УНВОН БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Давлат органларидаги кўп йиллик самарали меҳнати ва жамоат ишларида фаол иштирок этгани учун Ўзбекистон Республикаси Президенти котибиятининг мудири Равил Ваҳобович **АБДУҚОДИРОВ**га «Ўзбекистон республикасида хизмат кўрсатган экономист» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил, 7 сентябрь.

ТАҲРИРИЯТДАН: Узбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси ва «Туркистон» газетаси жамоаси ёшлар ташкилотларида кўп йиллар самарали ишлаган Равиль Ваҳобович АБДУҚОДИРОВни юксак унвон билан муборакбод этадилар.

Туркияга жўнаб кетишди

Республика мактаблари ва олий ўқув юртларининг бир гуруҳ ўқитувчилари биринчи марта Туркияда малака оширадилар. Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларидан йигирма беш нафар энг яхши жўғрофия ва тарих ўқитувчилари Туркия миллий халқ таълими вазирлигининг таклифига биноан ўқиш учун Анқарага жўнаб кетдилар. Бу тадбир Ўзбекистон билан Туркия ўртасида маориф соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида тузилган шартномага мувофиқ ташкил этилди.

Бу шартномага мувофиқ, ҳозир Туркиядаги машҳур университет ва коллежларда ўзбек йигит ва қизлари — бўлажак муҳандислар, иқтисодчилар, маркетинг, бизнес ва ишбилармонлик соҳаси мутахассислари таълим олишмоқда. Бу дўст мамлакатдан кўпгина талабалар ўқиш учун республикамиз олий ўқув юртларига келишган.

Энди навбат ўзбекистонлик ўқитувчиларга келди. Улар Анқарадаги бир неча олий ўқув юртида уч ҳафта давомида тажриба орттирадилар, хорижий касбдошларининг жамиятшунослик фанларини ўқитишдаги тажрибасини ўрганадилар. Тажриба ошириш билан боғлиқ харажатларни Туркия ўз зиммасига олди. Тажриба алмашиш тарзида икки мамлакат ўртасида маориф соҳасидаги ўзаро манфаатли алоқаларни янада кенгайтириш режалаштирилмоқда. Хусусан, туркиялик ўқитувчиларнинг кейинчалик тажриба ошириш учун Ўзбекистонга келиши ҳақида аҳдлашиб олинган.

Л. СТРУННИКОВА,
УзА мухбири.

Диққат: илк танишув

ТОШКЕНТ ВАҚТИ БИЛАН 21.40

Худди шу пайтда Ўзбекистон телевиденнесининг биринчи дастури орқали «Туркистон» рўзномаси қошидаги Амир Темур экспедициясининг биринчи сафари материаллари ва «Ёшлик» студияси ижодкорлари ҳамкорлиги асосида яратилган «Амир Темур йўлларида» ҳужжатли фильми намойиш этилади.

ХАЛҚИМИЗ бу асарни узоқ кутди. Нафақат мамлакатимиз, қолаверса, жаҳон ҳужжатли киноси тарихида биринчи қалдирғоч саналмиш ушбу асар муаллифлари гуруҳи дилгир мусиқа, дилтортар саҳналар ва элимизнинг дилбар манзаралари орқали соҳибқирон яшаб ўтган давр ва у кечган йўлларни қайта жонлантирадилар.

Сиз фильмни томоша қиларкансиз, юракка яқин даъваткор сўзлардан тинглайсиз, юртимизнинг қадим гўшалари манзаралари ва буюк обидаларимизнинг мўъжаз нақшлари бағрингизга Ватан нури бўлиб оқиб киради. Фильм намойиши давомида Амир Темур кечган йўллар сизни қадим обидаларимизнинг ҳозирги аҳволи билан батафсил таништиради. Қимматли тарихий маълумотларга эга бўласиз.

Соҳибқирон даврида юртимизда мавжуд бўлган дунёвий шавкат руҳи ва истиқлол шукуҳи юртимизга қайтаётганидан, миллатимизнинг асл қадриятлари қайта тикланаётганидан кўксингиз тоғдек кўтарилади ва ўйлаймизки, рўзномамизнинг саъй ҳаракати билан дунёга келган ушбу туркумнинг кейинги фильмларини ҳам интизор кутиб яшайсиз.

Паркентда «Туркистон» байрами

Ровийларнинг айтишича ва эл орасида оғиздан-оғизга кўчиб юрган турли афсоналарнинг шаҳодат беришича, Тангри таолло ва унинг назар солгувчи пайғамбари Хизир алайҳиссалом назари тушган экан бу юртга. Биз етиб борган чоғда ҳам ҳали қорлари эриб битмаган буюк Қизилтоғнинг залворли тиззаларини қучарак, қуёшга кўксини тутган Паркент ҳақида бир шоир дўстимиз «Онамнинг юрти» деб алқаган эди. Ўр ва мағрур қоялар ёнбошида кун кечираётган қоялардан мағрур ва ўктам, бетин куйлаб оқаётган булоқлардан-да шўхчан ва дилбарроқ паркентликлар билан мулоқот давомида «бағри кенг она халқимизнинг дилбар юртига» келиб қолганимизни ҳис этдик.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳазратлари улуғ «Бобурнома»да инчунун ёзадилар: «Ҳазрати Хўжаго — Хўжа Самарқанддан чиқиб келиб, Фаркатга ўлтириб эдилар. Фаркатга бориб, Хўжани кўрдим, умидвор эдимки...» Роппа-роса 492 йил кейин Паркент ва унинг андишашиор эли зиёратига келган «Туркистон» рўзномасининг ижодий жамоаси Бобурмирзо айтгандай халқнинг дийдорига, халқда уларнинг дийдорига мушарраф ва муштоқ бўлдилар.

Тоғма-тоғ, саҳрома-саҳро Ватан истиқлолини истаб, улоқиб юрган бўлажак улуғ шоҳ кўҳна Туркистоннинг бағри кенг ва меҳнатсевар фарзандлари тинч-тотув, баҳамжиҳат яшаб, буюк давлат, барқарор иқтисодиёт ва мукаммал, оламга зеб бергувчи маданият яратажагини орзу қилган эди.

Боболарнинг-да, орзуларини ўқимоқ, уқмоқ керак бугун.

Бошда бир нарсани алоҳида қайд этиш керак. «Туркистон» сўнгги тўрт-беш йил ичида қадим ва ҳамиша навқирон диёримизнинг кўпгина вилоятларида ва туманларида турлича ва турли даражадаги учрашувлар ўтказди. Жамоамиз осмонўпар довонлардан кечиб, юртнинг шилдироқ булоқларидан сув ичиб, бағрикенг саҳроларини кезиб, ўз Ватани ва унинг истиқлолини излаган халқимизнинг қаватида истиқлол-да, мустақиллик излади. Шукурларки, топдик. Шундоқ ёнбошимизда — пойтахт вилоятда ҳанузгача бирорта ҳам учрашув ўтказмаган эдик. Гўё паркентликларга бутун бошли

Булоқлари дуогўйи юртдаги шукуҳли кунлар

мамлакат мулоқотидан тўпланган кўп йиллик таассуротларни сўзлаб бермоқни ният қилиб қўйгандик.

Паркент бир қарашда сарвқомат тераклар, улкан чинорлар ва ранги-рўйи тоза одамлар юртидай туюлади. «Туркистон»нинг биринчи учрашуви ҳам қадимий Паркент шаҳридаги «Қўшчинор» маданият ва истироҳат боғида ўтказилиши режалаштирилган экан.

(Давоми 3-бетда).

ЁҚИЛҒИ БЎЛАДИ!

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг куни кеча ўз ишини тамомлаган XII чақириқ 13-сессиясида катта нутқ сўзлаган давлатимиз раҳбари Ислом Каримов, «бу йил Ўзбекистонда 44 миллиард кубометр табиий газ, 4 миллион тонна нефть ва газ конденсати ишлаб чиқарилади. 1995 йилга бориб, табиий газ 50 миллиард кубометргача, нефть ва газ конденцати 8 миллион тоннагача кўпайиши керак», деб алоҳида таъкидлаган эди. Зеро, мустақилликнинг мустаҳкам пойдевори мамлакатнинг ёнилғи заҳираларини ишга солиш ва ундан тўғри фойдаланишга боғлиқдир.

Ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида нефть маҳсулотларига эҳтиёж кундан-кунга ўсиб бормоқда. Айни муаммоларни ҳал қилишда Хоразм вилоятидаги Урганч нефть маҳсулотлари корхонасида сўнгги пайтларда намунали ишлар амалга оширилмоқда. 1985 йилда ишга туширилган бу корхона энг замонавий технология билан жиҳозланган. У вилоят маркази ва бир қанча туманларнинг муассаса ҳамда хўжаликларини нефть маҳсулотлари билан таъминлайди.

СУРАТЛАРДА: нефть маҳсулотлари сиғими майдончасининг умумий кўриниши. Хоразм нефть маҳсулотлари бошқармаси бошлиғи П. Султонов (ўртада) ишчи К. Жумабоев ва Урганч нефть маҳсулотлари корхонаси директори С .Майлиевлар билан иш юзасидан қизғин суҳбатлашмоқда.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ сурати (ЎзА).



Назорат масъулияти

Истиқлол сари юз бурган ёш давлатимиз тўла сиёсий ва иқтисодий мустақилликка эришиш учун маълум бир ўтиш даври талаб этилади. Ислоҳотларнинг асосий босқичлари ва тамал тамойиллари амалга тадбиқ этилишида давлат назорати маҳкамаларининг масъулияти ва мавқеи бир қадар ортиши табиийдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакат халқ хўжалиги ривожланишининг ярим йиллик якунлари юзасидан Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган мажлисда таъкидлаганидек, ишлаб чиқариш ва тақсимотда бир мунча олға силжиш, кўзга кўринадиган ютуқлар, айни чоғда кўплаб салбий ҳолатлар мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига асосий озиқ-овқат ва саноат моллари савдосини барқарорлаштириш бўйича қўшимча тадбирлар» ва «Истеъмол бозорини ҳимоялаш» тўғрисидаги қарорлари ижроси бажарилишини Тошкент вилоят Давлат назорати бошқармаси томонидан ўрганиш натижалари мамлакатимизнинг барча вилоятларида учраётган айрим салбий камчиликларнинг пойтахт вилоятида ҳам «турдош»лари борлигини кўрсатаётир.

Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 6 март 59- ва 1992-йил 22 декабридаги 584-сонли қарорлари тўлиқ бажарилиши таъминланмаслигида вилоят савдо бошқармаси раиси Е. Турсунов, матлубот жамияти раиси вазифасини ижро этувчи Ю. Мадумаровлар қўл остидагилар савдони ташкил қилиш бўлимларининг бошлиқлари Э. Рустамов ва А. Ҳасановларга нисбатан талаб тизими бўшаштириб юборилган.

Текшириш чоғида вилоят матлубот жамиятининг савдони ташкил қилиш бўлимида (А. Ҳасанов) штат бўйича 6 киши бўлса-да, ҳозирги пайтда 5 ходим ишлаётгани, жойларда ҳукуматимиз қарорининг бажарилишини назорат қилишга ва уни ташкил этиш учун етарли ходимлар бўлишига қарамай, ушбу бўлим жойларда бу тадбирларни четдан жалб этилганлар ёрдамида юритаётгани аниқланди. Масалан, 1993 йил апрель ойида «Октябрь» савдо улгуржи омборининг молшунослари З. Ярославская, Л. Милованова, Л. Саляматова, ва Л. Плотниковалар томонидан Қуйи Чирчиқ туманининг «Волкова» номли матлубот жамиятида қарорларнинг бажарилиши текшириб чиқилган. Текширув маълумотномасида ва ҳужжатларида маҳсулотларнинг тўғри тақсимланиши, аҳолини маҳсулотлар билан вақтида таъминланаётгани, савдодан тушган пуллар билан купонлар нисбатини таъминлаш даражаси умуман кўрсатилмаган. «Кўмак»ка келган текширувчиларнинг мавжуд 25 дўкондан 6 тасидагина текширув ўтказиб, айрим дўконларда сотувчилар халатсиз ишлаётгани ва айрим маҳсулотлар заҳда сақланаётганинигина кўрсатиб бериши ички назоратнинг хаспўшлаш, лоқайдлик ва кўзбўямачилик билан юритилаётганидан далолат беради.

Сифатсиз ва самарасиз текшириш туфайли айрим ҳолларда аниқланган камчиликларни бартараф этиш ҳамда айбдорларга нисбатан чоралар кўриш таъминланмаган.

Оҳангарон тумани матлубот жамиятида апрель ойида ўтказилган текширувда «Дўстлик» қишлоқ матлубот жамиятида чой ва уни тақсимлашда, купонлар билан савдо қилишда оила варақаларини тўлғизишда қўпол хатоларга йўл қўйилгани ва маҳсулотларни вақтида етказиб берилмаётгани кўрсатилган эди. Аммо қандай чоралар кўрилгани тўғрисида лом-мим дейилмаган. Шунга ўхшаш натижасиз текширувлар вилоятнинг Қибрай, Паркент, Бўка, Ўрта Чирчиқ, Оққўрғон, Зангиота ва Бўстонлиқ туманларида ҳам ўтказилган бўлиб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва айбдор шахсларга жазо чоралари кўриш матлубот жамиятларининг ўзларига ҳавола этилган. Оқибатда масъулиятсизларга нисбатан «филни пашша чаққандек» қабилида енгил чоралар кўрилган. Қисқаси, вилоят савдо бошқармаси ва матлубот жамиятида маъмурий сансоларлик вужудга келган.

Савдо бошқармасининг 1993 йил 12 февраль 11-сонли буйруғига биноан текширув гуруҳи тузилган эди. Гуруҳ аъзоларига 16 банддан иборат махсус қўлланма берилишига қарамасдан, улар жойларда обдон ўрганиш ишлари олиб бормаган. Бинобарин, шу гуруҳ аъзоси, бошқарма саноат моллари бўлими бошлиғи З. Рўзиев Бекобод шаҳар савдо идорасида бўлиб, у ердаги ишларни яхши баҳолаган ҳолда купонлар нисбати тўғрисида умуман маълумот келтирмайди. Фуқаролар бўлими бошлиғи В. Стрижовин Чирчиқ шаҳар савдо идорасига келиб, ҳеч қандай камчилик йўқ, маҳсулотлар вақтида тарқатилиши ва купон билан савдо қилиш тўғри йўлга қўйилган деб маълумотнома тузган. Лекин вилоят давлат назорати бошқармасининг Бекобод шаҳар давлат назорати инспекциясининг маълумотларига қараганда, маҳсулотларни дўконларга тарқатиш жараёнида аҳоли жон бошига қараб тарқатилмаган, жумладан, дўконларга 0,8 тонна шакар, 9,5 тонна ун ва 400 килограмм гуруч кам тарқатилган экан. Купонсиз сотилиши керак бўлган айрим молларга купон талаб қилиш ҳоллари ҳам учрайди. Шаҳардаги 90-дўконда купон нисбати бузилгани аниқланган.

Чирчиқ шаҳар банкининг маълумотларига қараганда «Болалар дунёси» дўкони бир кунда 43,7 минг сўмлик, 84-дўкон 5,5 минг, 16-дўкон эса 15,8 минг сўмлик купон кам топширгани маълум.

Оҳангарон шаҳар савдо идораси май ойида ўсимлик ёғини дўконларга тақсимлашда ижтимоий адолатсизликка йўл қўйгани аниқланди. Шаҳардаги биринчи дўконга эҳтиёж бўйича 4 тонна керак бўлгани ҳолда 6 тонна, яъни, 2 тонна кўп ўсимлик ёғи ажратилган. 11-дўконга 1,9 тонна ортиқча ёғ берилгани ҳолда 30-дўконга 0,1 тонна шу хил маҳсулот кам берилган. Бу сахийлик ва бу нав хасислик ўз навбатида дўконлардан маҳсулотларни четга пуллаб юбориш учун қулай шароит яратиб бераётир.

Савдо идоралари масъул ходимларининг Вазирлар маҳкамаси қарорларини бажаришдаги масъулиятсизлиги туфайли савдо ташкилотлари ва шохобчалари томонидан купон билан савдо қилиш қоидаларини қўпол равишда бузиб, ўз айбларини яшириш мақсадида банк хазинасига купонларни инкасатор квитанцияларида кўрсатиладиган миқдорига нисбатан кам купон топширганлар. Янгийўл шаҳар савдо идорасига қарашли 80-дўкон шу йил 10 май куни инкасатор квитанцияларида 62 минг сўмлик купон топширилди деб, амалда 41 минг сўмлик ёки 21 минг сўмлик купон кам топширган. 79-дўкон эса 18 май куни 184,6 минг сўмлик купон топширган деб кўрсатган бўлсада, амалда 53 минг сўмлик ёҳуд 131,5 минг сўмлик купон кам топширган.

Кўриниб турибдики, савдодаги «ўлжа-жўлдачилик» ва унинг орқасидан фойда олиб туриш жараёни савдо дўконларидан бошланиб, юқори тармоқ идораларигача етиб келар экан. Бу ҳолда балиқнинг бошини аниқлаш анча қийин.

Вилоят давлат назорати бошқармаси ва унинг жойлардаги инспекциялари диққатингизга ҳавола этилган камчиликлардан ташқари молларни ёмон сақлаш, санитария қоидаларига амал қилмаслик, молларни четга ошириш каби оммавий салбий ҳодисаларнинг илдизини қуритиш учун давлат назорати янада кучайтирилмоғи лозим бўлади.

Ботир БУХОРОВ,
Тошкент вилояти давлат назорати бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

Жаҳолат

«Туркистон» рўзномаси 1992 йил 21 февраль сонида Шодмонқул Остон ўғлининг «Миллий қаҳрамонимиз ким?» сарлавҳаси остида Мадаминбек ҳақидаги материалини эълон қилган эди. Куни кеча эса «Ёзувчи» нашриётида Иброҳим Каримнинг «Мадаминбек» китоби босмадан чиқди.

ТАРИХИЙ АДОЛАТ эртами ё кеч барибир қарор топади. Зотан, ёлғоннинг умри қисқадир. Туркистондаги миллий-озодлик ҳаракатининг таниқли етакчиларидан бири Муҳаммад Аминбек Аҳмадбек ўғли (1889—1920) ҳақидаги фикрлар тақдири ҳам бунинг ёрқин далилидир.

Иброҳим Карим жуда хайрли ва долзарб мавзуни кўтариб, Мадаминбек шахси ҳақида ҳоли қудрат тарихий ҳақиқатни тиклади. Унинг китобидаги фактлар ва уларнинг таҳлили муаллифнинг қалб қўри ва катта изланиш — меҳнатининг самарасидир. Биз ана шу китобдан биринчи марта Мадаминбек болалиги, ёшлиги ва камолот йўли ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлдик.

АГАР БИЗ мозийга назар ташласак, Фарғона водийси эрксевар ўғлонлар юрти бўлганининг гувоҳи бўламиз. Буни истилочиларнинг ўзлари ҳам тан олишган. «Фарғонада доимо ғазовот ғояси уфуриб туради, — деб ёзган эди Марғилон туманбошиси полковник Брянов. — Бу водийда ғазот деса, ўзини дангал ўлим чангалига отишга шай жасурлар тўдаси қаёқдандир пайдо бўлиб туради».

Чиндан ҳам Фарғонада рус истилочиларига қарши 1875 йилда Пўлатхон раҳнамолигида кўтарилган ғалаён алангаси 1885 йилда Дарвешхон Тўра, 1898 йилда Муҳаммад Али эшон бошчилик қилган халқ ҳаракатларида ўз давомини топган эди.

Мадаминбекнинг болалиги ва ёшлиги ана шундай тарихий шароитга тўғри келган бўлиб, унда исёнкорлик туйғусини камол топтирган эди. Асли бек авлодидан ҳунарманд Аҳмадбек ўғли Мадаминбекнинг тарбиясида ҳам эрксеварлик, номус, адолатли бўлиш туйғуларини сингдирган. Муаллиф Иброҳим Карим бу ҳақда шундай ёзади: «Узун кечаларда отаси айтиб берадиган Рустамдостон, Сиёвуш қаҳрамонликлари, Амир Темур жанглари ҳақидаги ҳикоялар Мадаминбекка жуда хуш келар, болалик хаёлларини узоқ-узоқларга олиб қочарди.

Мадаминбек жуда эрта рўзғор халтасини бўйнига олди. Ҳунармандчилик билан тирикчилик қилди. Сўнг тижоратчилик оламига кирди. 1914 йилда у туҳмат қурбони бўлиб, Сибирга сургун қилинди. Худди шу давр унинг дунёқарашида туб бурилиш ясади. 1914-1917 йиллар давомида Сибирь ўрмонларидаги маҳбуслар дунёсидаги ҳаёт айни навқирон 25 ёшли Мадаминнинг сиёсий онгининг шаклланишига катта таъсир кўрсатди. У сургунда яшаганида турли одамларни кўрди. Ўзи хон, кўланкаси майдон ўғри, талончи, қотиллар даврасидаги қонун-қоидалардан жирканди. Ўша зўравонлар билан олишиб, ўз номусини ҳимоя қила олди. У ҳеч қачон ўзига туҳмат қилган одамни ва унинг тарафидаги амалдорларни кечирмади, адолат учун курашга қатъий бел боғлади.

1917 йилда сургундан қайтган йигит туҳматчи Сулаймонни отиб ташлайди. Золимларнинг додини берадиган гуруҳга бош бўлади. У Марғилон инқилобий қўмита раиси Абдураззоқ Сиддиқов билан яқинлашиб, унинг таъсирида янги тузум ўрнатиш учун бошланган курашга қўшилади. Марғилон милицияси раҳбари этиб тайинланади.

Муаллиф Иброҳим Карим Мадаминбекнинг дунёқарашига худди шу Абдураззоқ Сиддиқов каби адолатпарвар, миллат фидокорининг кўрсатган таъсирини ишонарли далиллар асосида кўрсата олган.

Октябрь тўнтарилиши ва шундан сўнг Туркистон мухториятининг эълон қилиниши Мадаминбек ҳамда унга ўхшаш миллатпарвар шахслар олдида катта вазифаларни кўндаланг қўйди. Ўша вақтда истиқлол курашчилари учун Маҳмудхўжа Беҳбудий ғоялари асосий дастур вазифасини ўтаган.

«Биз ҳаммамиз, — деб ёзган эди Маҳмудхўжа Беҳбудий 1918 йил январида, — яъни, қирғиз, қозоқ, ўзбек, туркман, араб, форс — хуллас Туркистондаги, Қозоғистондаги ва Туркманистондаги барча мусулмонлар ва ҳам шундаги яҳудий ва христианлар бирлашиб, иттифоқ ила шу мухториятнинг амалий келишига саъй ва ҳиммат этмоғимиз, албатта керакдур... Бундай фурсат ва замоннинг бизга қайтиб келиши маълум йўқ, қадрини билиб ишламоқ керакдур».

Ўша Туркистон мустақиллиги эълон қилиниб, рус империяси парчаланиб кетганда М. Беҳбудий ҳар бир турк миллатини ҳамжиҳатликка чақиргани бугунги кун учун ҳам жуда долзарбдир. У руслаштириш сиёсати кучли таъсир ўтказган Қозоғистон халқига ўша 1917 йилда қилган мурожаати бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган: «Шуни билингки, қозоқ ўз бошига, шаҳар халқи ва атрофи ўз бошига эр билиб, бошқа-бошқа мухторият қилмоқчи бўлганда иккиси ҳам муддаога етмайдир... Онг-ла қозоқлар ўйласунлар, тарихга қарасунлар зиёли қозоқлар, Оврупонинг ихтилоф солиб, миллатларни ажратмоқ сиёсатига ва икки юзлигига қарасунлар. Бирлашғон Туркистон халқининг бўлинмоғига ўзимиз сабаб бўлмасак эди...»

Беҳбудий худди шу маънода Туркистон халқларининг барчасига ҳам мурожаат қилиб алоҳида диққатни Еттисувдаги қирғизларга қаратади: «Кўрасиз, бу куни руслар-да бирлашмоқдадурлар. Энди бирлашмоқ замонимиз. Агарда сиз айрилмасангиз, туркман қариндошлар-да айрилса, Туркистон турклари уч ерга бўлиниб кетар ва барчага мухториятдан насиба чиқмай қолур. Еттисувдаги мусулмон қариндошларимизға айтатурғон сўзларим шулдир».

Мадаминбек ўз фаолиятида ана шу доно фикрларга амал қилди. Таҳликали 1918 йил бошларида у энди мустақил давлат ўрнатиш ишига бел боғлайди. Ўзига содиқ юртпарвар йигитларга бош бўлиб, жоҳиллар қурбони бўлган Абдураҳмон Сиддиқов қотилларидан ўч олади. Уларни шариат ҳукми ила отиб ташлайди. Мадаминбек Марғилонда зўравонлар танобини тортиб қўяди ва шаҳарда тартиб-осойишталик ўрнатади.

Муаллиф Мадаминбекнинг нима учун Шўро ҳокимиятидан ихлоси қайтганини аниқ далиллар асосида кўрсатади ва шундай фикрларни ўртага ташлайди: «Умуман, бу Турон деб аталган улкан ҳудудда ким тинч, осойишта ҳаётни ўрнатиши керак? Бундай саволлар Мадаминбекка тинчлик бермас ва у бу ўйларини йигитларидан яширмас эди. Ёш авлодни шариат дастурлари, ислом қадриятларини ҳурматлаш руҳида тарбиялаш яхши. Ўғирлиқ, босқинчилик кўчасидан қайтариш — савоб. Лекин бу қоидаларни бузган, менсимаган, жиноят кўчасига кирганлар-чи? Шубҳасиз қаттиққўллик ҳам даркор. Зеро, баъзи одамлар қаттиққўлликсиз инсоф-тавфиққа келмас эканлар, нега бу чорани инкор этиш керак. Токи ҳар бир маҳаллада аҳоли ўз ўғрисини, порахўри, босқинчиси, фоҳишасини билиб олсин ва уларни эл-юрт олдида шарманда-ю шармисор этишни ҳам ўз зиммаларига олсин!... Ўғрилар, муттаҳамлар, қароқчилар ҳукуматдан қўрқмас эканлар, халқ ичидан чиққан соғлом кучлар уларнинг адабини бериб қўя олади».

Мадаминбек мусулмон армиясини тузишда ҳарбий мутахассислардан, улар дини, эътиқоди ва маслагидан қатъи назар, унумли фойдаланди. Шунинг учун ҳам қўшини зарбдор кучга айланди. Генерал Монстров, Муханов, полковник Корнилов ва бошқа ҳарбий зобитлар унинг қўшинида асосий йўриқчи-маслаҳатчилар вазифасини ўташди.

Муаллиф Мадаминбекнинг Шўроларга қарши курашда ўзига хос ҳарбий санъат усулини қўллагани асосли далиллар билан баён этилган. Бу партизанлик усули эдики,уни 1978 йилдан афғон мужоҳидлари Шўро армиясига қарши кенг кўламда қўллашди.

Иброҳим Карим ўз китобида Мадаминбек лашкарбоши, сиёсатчи ва моҳир дипломат бўлганлигини ҳам яхши кўрсата олган. Муаллиф яна энг муҳим бир масалани, яъни ўзбек лашкарбошилари ўртасида якдиллик бўлмагани ва улар истиқлол йўлида ўзларини тўғри йўлга бошлашга қодир етакчи кадри етишмаганлигини ҳам ёритади. Мустамлакачилар худди шу ҳолатдан усталик билан фойдаланишгани ва сопини ўзидан чиқара олишганини кўрсатади. Мадаминбек узоқни кўра билмайдиган, тор шахсий манфаатини ҳамма нарсадан устун қўйган, жоҳил кимсалар қурбони бўлганлигини таъкидлаб, шундай адолатли хулосага келади: Кўршермат каби тумшуғидан наридаги нарсани кўраолмайдиған, қасамхўр, имонсиз, Холхўжа сингари маишатпараст, амалпараст, Тўйчи ва Қоравой каби калтабинлар турк қавмлари орасида доимо топилган, улар душман тегирмонига сув қуйиб, тарихнинг энг қалтис, бурилиш нуқталарида Мадаминбек сингари шахсларни, фидоийларни ўлдирганлар ёки уларни четга суриб қўйиб, ўз ватанлари, халқларига хиёнат қилганлар. Бу ҳақиқатни баралла айтиш, тарих сабоқларидан хулоса чиқариш, мустақил ривожланиш йўлига кирган Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари учун ниҳоятда муҳимдир».

Ҳамдам СОДИҚОВ,
Абдулла Авлоний мукофоти соҳиби.

ЯНГИ ЗАВОД

Ленинобод вилояти Чоруғдарон шаҳарчасида аккумулятор заводи қурiляпти. Завод ишга тушгач, 300 киши иш билан таъминланади.

«ҚАМАЗ» РЕМОНТ ҚИЛИНЯПТИ

Душанбедаги «Тожикавторемонт» ишлаб чиқариш бирлашмаси «КАМАЗ» маркали автомобиль двигателларини ремонт қилишни ўзлаштирди. Улар Санкт-Петербург ва Набережние Челни корхоналаридан 26 миллион сўмлик ускуналар олиб, заводни қайтадан жиҳозлашди.

Завод республика автотранспортининг 30 фоиз эҳтиёжини қондиришга қодир. Технологиянинг жорий этилиши қўшни Ўзбекистон Республикасидан ҳам буюртмалар қабул қилиш имконини беради.

БУ КЎҲНА ДУНЁ

ВОҚЕАЛАР·ХАБАРЛАР·ҲОДИСАЛАР

ХОРИЖДА НИМА ГАП?

КАРИБ ҲАВЗАСИ мамлакатларидан келаётган ноқонуний муҳожирларнинг оқимидан жиддий ташвишга тушган Амриқо Қўшма Штатлари маъмурияти ушбу ҳодиса билан курашиш учун янги режа ишлаб чиқди. «Бостон-глоб» рўзномасининг душанба сонида хабар қилинишича, ушбу режага биноан Амриқонинг денгиз қирғоқларида Амриқо Қўшма Штатларининг қирғоқ ҳимояси кемалари Флорида штатининг барча соҳилларида жойлаштириладиган бўлди.

* * *

БОСНИЯ СЕРБЛАРИНИНГ саркори Радован Каражиж Боснияда қиш келгунча тинчлик ўрнатилади ва мусулмонлар тарафи Женева музокаралари даврасига қайтади, деб умид билдирди.

* * *

РОССИЯ МУДОФАА вазири армия генерали Павел Грачов 8 сентябрь куни Амриқо Қўшма Штатларига тўрт кунлик расмий ташриф буюрди. У бу ташриф давомида АҚШ мудофаа вазири Лесс Эспинг билан Амриқо — Россия ҳарбий соҳадаги ҳамкорлигига оид бир қанча масалалар юзасидан музокаралар ўтказади.

* * *

«СИЁСИЙ КЎКЛАМ» янги партиясининг раҳнамоси Антонис Самарас парламентдаги ўз тарафдорларига ҳукуматни қўллаб-қувватлашни бас қилишликни таклиф этгандан сўнг Грециядаги сиёсий вазият кескин ўзгариб кетди.

* * *

ЖАНУБИЙ КОРЕЯДАГИ газетхонларнинг диққатини куни кеча давлат хизматчилари, қонуншунослар ва ҳарбий генералларнинг турмуш даражасини кўрсатувчи пуллари миқдори эълон қилиниши диққатини ўзига жалб этди. Унда 1167 кишидан иборат узун рўйхат эълон қилинган. Республика Президенти Ким Ен Сам порахўрликка қарши кураш эълон қилгач, улар давлат бошлиғидан ибрат олиб, ўз моддий аҳволлари тўғрисида аниқ маълумотларни эълон қилишга киришдилар. Бу эса уларнинг ойликлари қандай йўл билан ишлаб топилаётгани ҳақида жамоатчилик фикрини тўғри ўрнатишга имконият беради.

«МАЛИКА»ЛАР УЧРАШУВИ

Душанба куни Коста—Рико пойтахтида Лотин Амриқоси ва Кариб ҳавзаси мамлакатлари «маликалари»нинг учинчи йиллик учрашуви бошланди. Анъанага айланиб бораётган ушбу анжуман кун тартибига минтақанинг 24 давлати раҳбарлари завжалари йиғилиб, — иштирокчи мамлакатлар сиёсий-иқтисодий ҳаётида оиланинг аҳамияти тўғрисидаги масалаларни муҳокама қиладилар.

Бу учрашувнинг Лотин Амриқоси ва Кариб ҳавзасидаги оилаларидаги демократияга қанчалик фойда кўрсатиши ҳақида бир гап дейиш қийин. Бироқ, кузатувчиларнинг фикрига қараганда, ғарбий ярим шардаги аёлларнинг анъанавий «олий даражадаги учрашуви» минтақадаги сиёсий вазиятга анча самарали таъсир кўрсатади.

БОЛАЛАРГА ИШОНИНГ, ОДАМЛАР!

Латвияда яқиндан бошлаб болаларбоп ишонч телефони хизмати иш бошлади. Унда илоҳиётшунос ва руҳшунос қийин вазиятга тушиб қолган болаларга маслаҳат берадилар. Керак бўлиб қолса, улар табиблар, ўқитувчилар ва миршабларга ҳам мурожаат қилиши мумкин.

Республикадаги «Болаларни қутқаринг» деган ташкилот янги хизмат билан қизғин ҳамкорлик қилаётир. Қашшоқ оилалардан келиб қолган болалар Юрмаладаги «Булдури» санаторийсида жойлаштирилмоқда. Бироқ, бу соғломлаштириш марказидаги тўшаклар камлиги туфайли ҳаммага ҳам ёрдам бериб бўлмаяпти. Болаларнинг муаммолари ҳам катталарникига ўхшаб кетади: ёлғизлик, моддий қийинчиликлар, дўстлар билан айтишув ва ота-оналар билан чиқиша олмаслик.

ДАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ЎҒИЛ УЧУН — ЯРИМ МИЛЛИОН

● ФАРЗАНД туғилиши ҳамиша байрам. Бу хушхабарни келтирганга ота бўлмиш албатта суюнчи беради. Аммо ҳамма ҳам пермлик ишбилармон Руслан Сукиевдек ҳотамтой бўлмаса керак. Ўғил кўрганини эшитган «Строитель—89» кичик корхонасининг директори Руслан туман касалхонаси ҳисобига... 500 минг сўм ўтказиб юборди. Ҳозир ўғил бола туғилганидан бутун посёлка шодухуррам: суюнчи пулига касалхонага замонавий асбоб-ускуналар сотиб олинди.

ОСМОНДАН ПАРАШЮТСИЗ ТУШДИ

● БУ ВОҚЕА машғулот пайтида юз берди. Сизран олий вертолёт билим юрти курсанти В. Черенко самолётдан сакраб, ҳар галгидек парашют тасмасини тортди. Аммо у... очилмади. Курсант то ерга тушгунча нима хаёлларга боргани номаълум. Шуниси маълумки, В. Черенконинг оёғи қаттиқ лат еди, холос. Госпитал жарроҳлик бўлими бошлиғи А. Дзюбанинг гапига қараганда, бу ғаройиб воқеа Гиннеснинг «Рекордлар китоби»га ёзилишга ҳақли.

ЯСЛИ — МАКТАБ ҚОШИДА

● КЛИВЛЕНД (АҚШ) қонун чиқарувчилари ажойиб бир қарорга келдилар: ҳомиладор бўлиб қолган ва фарзанд кўрган ўқувчи қизлар ўқишни давом эттиришлари керак. Дейлик, 15 ёшли қиз аввалига академик таътилга чиқиши, кейинчалик эса чақалоқ билан ўқишга келавериши мумкин. Бу ерда унинг мушкули осон бўлади. То онаси ўқишдан чиққунча чақалоқни мактаб қошида очилган яслида энагалар боқишади.

ТОЖ МАҲАЛГА ЭҲТИРОМ КЎРСАТИЛДИ

● ҲИНДИСТОН Олий суди Агра шаҳри атрофидаги 212 саноат корхонасини ёпиш тўғрисида қарор чиқарди. Бундай жиддий қарорга келишга олиб келган асосий сабаб, бу корхона эгаларининг атроф-муҳитни тоза тутиш, тозалаш қурилмаларини қуриш хусусидаги фармойишларга амалда рад жавоб қилганлари бўлди. Натижада суд Аграда жойлашган ўрта аср ёдгорлиги — Тож Маҳални келгуси авлодларга ҳам сақлаб қолиш учун шундай қарор чиқаришга мажбур бўлганини эълон қилди.

БУЛОҚЛАРИ ДУОГЎЙ ЮРТДАГИ ШУКУҲЛИ КУНЛАР

(Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказқўмининг биринчи котиби Адҳамжон Орзиматов ҳам боққа биздан-да, олдинроқ келган экан.

Амриқо Қўшма Штатларида инсоннинг муносиб турмуш кечириши ва ўзбекнинг ўзбеклигини ҳис этиши учун ҳамма нарса борлигини билгувчи, лекин бу дунёда бошқа Ўзбекистон бошқа она диёр, бошқа қадрдон юрт йўқлигини ҳис этган ватандошимиз шоир Рўзи Назар ҳам жамоамизни меҳмонлар қаватида қаршилади. «Туркистон»нинг Паркентга келганини эшитибоқ касби, ташвишларидан қутила олмай юрган бўлса ҳам севимли хонандамиз Маҳмуджон Азимов Самарқандга борсам ҳам, Паркентга борсам ҳам Улуғбекни кўриб қайтаман дея, бу ерга келибди. Чунки халқ артисти Зикир Муҳаммаджонов бу гал ҳам «Туркистон» байрамининг мўътабар ва табаррук иштирокчиси эди. Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари Ҳакимжон Ҳамидовнинг мезбонларга хос сермулоҳаза нигоҳидан сездикки, таниқли қўшиқчи-шоир Нормурод Нарзуллаевнинг ҳам элга айтар сўзи бор! Ангренлик истеъдодли қизиқчи «Қизиқчи—93» республика танловининг совриндори Абдуқосим Раҳмонов мўйлабини ҳар замон-ҳар замонда бураб-бураб «Шу «Туркистон» ликларнинг ўзини бир аския қилсаммикан», дея пилдираб юрибди. Дуторчи қизлар ансамбли вакиллари, ҳозиржавоб шоир Абдулла Турди, ҳам меҳмонлар қаватида даврага кириб бордилар.

«Ташкентская правда» газетасининг муҳаррири Александр Пукемов, «Молодежь Узбекистана» ҳафталигининг муҳаррири Вячеслав Иванов ва «Оқшом тўлқинлари» эшиттиришининг етакчи муҳаррири Анвар Абдувалиевлар ҳам бизга эш эдилар.

Роппа-роса тўрт ярим соат давом этган «Қўшчинор учрашуви» чоғида йиғилганлар меҳмонлар ва мезбонлар хаёлан миллатимизнинг узоқ ва яқин ўтмишига саёҳат қилдилар. Улкан дарахтларнинг ғадир-будур баданига ва бу юртнинг мусаффо осмонига урилиб, акс-садо берган тилаклар, шеърлар ва қўшиқлар жаранги халқимиз қалбида ниманидир уйғотиб, ненидир янгилаганига иймон келтирдик.

Илк мулоқот чоғида сўз олган вилоят ҳокими ўринбосари Ҳакимжон Ҳамидов, шоирлар Рўзи Назар, Нормурод Нарзуллаев, ёшлар етакчиси Адҳамжон Орзиматов ва ҳатто «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» рўзномасининг Бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев ҳам рўзномамизнинг эл орасидаги бу хайрли тадбири халқимиз саодати ва мамлакатимиз мустақиллиги йўлидаги энг ибратли ишлардан бири эканлигини ҳаяжонла бот-бот такрорлаб ўтдилар. Аҳмаджон Мелибоев эса «Ўн кундан кейин Тошкент вилоятининг бошқа бир туманида адабиёт ва санъат кунларини ўтказмасак бўлмайди», деворди ниҳоят.

БАРЧАМИЗ байрамнинг чинакамига бошланганини бирданига ҳис этдик.

Шундан сўнг байрам тантаналари «Ҳисорак» жамоа хўжалиги ўйингоҳига кўчиши маълум бўлди. Маҳобатли чўққилар ва ўркач-ўркач чағатларга ўрмалаб кетган узумзор ва боғ-роғлар ёнидан кечарканмиз, ўйингоҳга — халққа ошиққанимизданми, кўпчилик Ўзбекистон Фанлар академияси «Қуёш» лабораториясининг маҳобатли иншоотини кўрмай қолди. Буюк Британия маликаси Анна ҳазрати олиялари нафақат бу нодир иморатни, қолаверса, дуо кетган Паркентни зиёрат қилишга келганини тан олдик.

Бироз бўлсада, табиатдан йироқлашган шаҳарликларни чўққиларнинг ҳайбати босди.

Ажриғи бўлиқ ўйингоҳ теварагида йиғилганларни кўпам куттирмадик. Яловни қўлимиздан тортиб олишга — халқни ўзига оғдиришга астойдил интилган Соат Шариповнинг кўнгилочар нағмақилиқлари ва бир-икки табрикдан сўнг «Ижодкор» ва «Ҳисорак» командалари ўртасида футбол бўйича ўртоқлик учрашуви бошланди. Кези келганда шуни айтиб ўтиш кераккки, «Ҳисорак» ўйин бошида ўз формасини «Ижодкор»га кийинтирди. Майдонда бир хил формадаги икки команда пайдо бўлди. Биз бу бағрикенглик тоғликларнинг қўли очиқлигиданми, бозор иқтисодиётига ўтиш даври қийинчиликлариданми эканлигини аввалига унча тушунмай турдик. Шу ерда бир нарсани ўйлаб қолдик. Севимли «Пахтакор» командаси ва эндигина оёққа тураётган Ўзбекистон миллий терма жамоаси олис ўлкаларга бориб, машқ ўтказиб келади. «Ҳисорак»нинг қумда ўйнаб, жаҳон футболи қиролига айланган Пеле ҳазратлари орзу қилгулик ўйингоҳида тарбияланган футболчиларимиз зиғиртак Голландиянинг «Витесс» жамоасига қайта-қайта ютқазмасдиларми?

Айтгандек, бу ўйингоҳда футбол оламида машҳур «Қадрдон деворлар» ўрнини қоялар босди ва марказий ҳужумчиси Соат Шарипов ўйин қолиб, кўпроқ санъат ва халқни кулдириш билан чалғигани туфайли, «Ижодкор» жамоаси майдон эгаларига шарафли ҳисоб билан ютқазди. Жамоа бош мураббийси Бош муҳаррир ўринбосари Аҳрор Аҳмедов жаноблари бу мағлубиятни шарҳларкан: «Ўзи тоғликлар анча мағрур келади-да», деди лўнда қилиб.

Ҳисорак аҳли ва ҳатто «Туркистон» жамоаси бош муҳаррири Жаббор Раззоқовнинг футбол шарҳловчилиги истеъдодини биринчи марта кашф этдилар ва қойил қолдилар. Зикир ака ўзига муносиб шогирд тайёрлаганидан хурсанд бўлди.

Футболчилар майдонни тарк этгач, ўнга қизиқчи Абдуқосим Раҳмонов тушди. Йиғилганларни кулдира-кулдира толиқмаган санъаткор АҚШлик юртдошимиз Рўзи Назар шарафига бир ҳикоя айтиб берди: «Мана, Рўзи Назар акамиз келган Амриқода доллар ва миллионерлар кўп. Биз ўзимизни юпун ва қашшоқ деб ўкинмаслигимиз керак. Биласизларми, бизнинг Ўзбекистонда Боллар ва боланерлар кўп. Ҳеч қайси халқдан, давлатдан кам эмасмиз, асло. Тошкентдан қайтиб келаётган паркентлик бир амакидан: «Амаки, бола-чақалар яхшими, деб сўрасам, у киши: болалар яхши-ю, чақанинг мазаси йўқ, деб жавоб бердилар», дея тиззасини қучоқлаб ўтирган қоракўз болалар, уларнинг ота-онаси, буви-боболарини роса кулдирди.

Оқшомга яқин меҳмонлар гуруҳ-гуруҳга бўлиниб, «Кумушкон» дам олиш базасида учрашувлар ўтказдилар.

4 сентябрь кунини бошланганидан даракчи оппоқ саҳарда қояларга илондек ёпишиб олган йўлакларда югуриб юрган Зикир Муҳаммаджонов донг қотиб ухлаётган ёшларга ибрат намунасини кўрсатди. Шу чоғда табаррук зотни суҳбатга тортдик:

— Биласизми, аввалгидек театрлар халққа яқинлаша олмай қолдилар. Эндиликда бирорта туманга ёки вилоятга гастролга бориш анча-мунча пул туради. «Туркистон» рўзномаси байрамларида узлуксиз иштирок этаётганимнинг сабаби шундаки, мен халқ билан юзма-юз учрашаман, кўз-кўзга тушади. Бу тадбирнинг мен учун қимматли жиҳатлари ҳам шунда.

Иккинчи кунги учрашувларимиз «Паркент» давлат хўжалигининг дала шийпонида давом этди. Улкан бобоёнғоқлар соясида, адирлардаястаниб ётган узумзорлар қуршовида кечган ушбу учрашувга Тошкент вилоят ҳокими Сайфулла Давурович Сайдалиев ташриф буюрди. Вилоят раҳбарига сўз берилганда, у жумладан:

— «Туркистон» кунларининг вилоятимизда биринчи марта кечаётгани халқимизга руҳий тетиклик бағишлайди. Руҳий тетик элнинг иши тетик бўлади. Мустақилликка юз бурган юртимиз ҳозирги кунлардаги осойишталик, ижтимоий муроса ва иқтисодий барқарорлик сабабли оғир синовлардан қийинчиликсиз, ўтмоқда. Яқинда қардош Тожикистоннинг Хўжанд шаҳрига ва Ленинобод туманига борган эдим. Халқ артисти Жўрабек Муродов билан учрашганимда машҳур хонанда: «Биз қўшиқ куйламай қўйганмиз. Улар юртимизнинг минглаб шаҳид болалари билан бирга ер остига кетди», деб ўкинди.

Сўнгги пайтларда киндик қонимиз тўкилган асл юрт ҳақида кам ўйлаяпмиз. Сийрак куйлаяпмиз, озроқ ўйлаяпмиз. Ўзбекистон барчамизники. Лекин ҳар биримизнинг она гўшамиз, она тупроғимиз бор. Биз эса ўз она тупроғини севган ва шунинг учун ўзларига Тошкандий, Бухорий, Фарғоний, Самарқандий, Термизий, Хоразмий, Насафий деб тахаллус олган улуғ зотларимизнинг холис ибратларини унутмаслигимиз керак. Шуни инобатга олган вилоят ҳокимияти раҳбарлигида ҳар жума куни вилоятда маърифат кунини ўтказаяпмиз. Яқинда барчамизнинг қиблагоҳимиз бўлган Зангиотага тўпландик. Айни учрашув пайтида мен қўшни туманда яъни Паркентда Хўжа Аҳмад Яссавийнинг муриди Заркентбобо яшаб ўтганини биласизми, деб сўрадим. Афсуски, ижобий жавоб бўлмади. Тарихимизни, кимлигимизни билмай туриб, адолатли ва равнақли давлат барпо этолмаймиз.

«Туркистон» рўзномаси узоқ йиллардан бери элимизни меҳр-оқибатга даъват этиб келаётир. У Ватанимизни барчамизга қайта танитишга карвонбошилик қилди. Рўзнома ижодий жамоасига бу хайрли йўлда куч-қувват тилайман», деб алоҳида таъкидлади.

Вилоят раҳбари келтирган маълумотларга қараганда 95 минг аҳоли яшайдиган Паркент тумани 7 минг янги иш ўрнига муҳтож. Бу долзарб масалани ҳал этиш учун эса кўплаб янги корхоналар қуриш, чет эллар инвестициясини туманга жалб этиш зарур. Ҳоким жумладан, ҳар бирида 6—8 минг аҳоли яшовчи Паркент, Заркент, Намданак, Шампан каби йирик қишлоқларда шу номда ва халқимиз савдо маданиятига муносиб янги гузарлар барпо этилишини маълум қилганда йиғилган халқ уни маъқуллаб, гувранди.

Дала шийпонидаги учрашув чоғида таниқли шоир Нормурод Нарзуллаевга сўз берилганда, «Бу дунёда икки тоифага мансуб одамларга ўлим йўқ, бири элчи, бириси совчи. Чунки улар эллар, давлатлар ва хонадонларни бир-бирига қовуштиради, бирлик, ҳамкорлик, қариндош-уруғчилик ва дўстлик иморатини барпо этадилар», деб тўлқинланиб гапирди. Шоирнинг бу доно сўзларини ҳоким билан халқ ўртасидаги бевосита мулоқотни тиклаган жамоамизга ҳам тааллуқли деб топдик.

Энди бир ярим кун давомида Паркент халқига машҳур бўлиб кетган ва ўз истеъдодини намойиш этган шоир Абдулла Турдиев ҳақида бир икки оғиз сўз. «Туркистон» байрамларининг доимий иштирокчиларидан бири сифатида танилган шоир биринчи учрашувданоқ ўзининг ҳозиржавоблиги ва топқирлиги, қолаверса, нозиктаъблиги билан эл ҳурматини қозонди.

Истеъдодли эстрада қўшиқчиси Нодира Зиёхонова халқ қўшиқлари ва лирик шеърларни гитарада куйлаган бўлсада, у элнинг эътиборига тушди, олқишларнинг бўлиғини олди.

Навоий вилоятидан келган ёш хонанда Абдурауф Жалиловнинг қўшиқлари барча паркентликларга манзур бўлди. У ўзи яратган «Кечиккан муҳаббат», «Синфдош гўзалга» каби қатор лирик қўшиқлари билан олқишларга сазовор бўлди.

...Паркент ғўза экилмайдиган туманлардан бири. Узумчилик, боғдорчилик, сабзавотчилик, чорвачилик ва сайру-саёҳат анча ривожланган бу туманда. Олой тоғ тизмасининг пурвиқор чўққиларидан бош тортган сойлар қирғоғидаги қишлоқларда яшовчи аҳоли асосан деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Ёшларнинг кўпчилиги эса... Тошкентга ва Ангренга қатнаб ишлашга мажбур экан. Бизга айтишларича, ҳар бир йирик қишлоқда дам олиш уйлари, санаторий, ва курортлар барпо этиш, янги корхоналар қуриш имконияти бор. «Сўқоқ» ва «Кумушкон» дам олиш уйларини истисно қилганда, йирик курорт имкониятларидан фойдаланмасликнинг шоҳиди бўлдик. Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий тармоғи бўлган қайта ишлаш саноати ҳам унчалик дуруст ривожланмаган. Шампан қишлоғига номи берилган шампан-вино фабрикасидан бошқа кўзга кўринарли қайта ишлаш корхонаси йўқ экан. Қўлбола мусаллас тайёрлашни саноат тизимига солиш мавриди етди-ку, аллақачон. Бундан ташқари Тошкент ва Чирчиқдаги корхоналарнинг тумандаги бўлимларини очиш вақти ҳам келди.

Илгари Паркент тумани Ёшлар Иттифоқи Қўмитасининг биринчи котиби бўлиб ишлаган, ҳозирда Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Қўмитасининг котиби бўлиб ишлаётган Ғофуржон Раҳимшиқовнинг шаҳодат беришича, яқинда туркиялик кино усталари Паркент тоғларида фильм суратга олишибди. Туркиядек тоғли бир ўлканинг санъаткорлари юртимиз тоғларининг маҳобати ва кўркига ошиқ бўлибдиларми, демак, чет эллик саёҳатчилар ва ишбилармонларни туман иқтисодиётига жалб этишнинг катта имкониятлари бор. Қолаверса, биз билан мулоқот чоғида қайта-қайта кўтарилган тоғли қишлоқларни газлаштириш муаммоси ҳам қисқа фурсатда ҳал этилиши шарт. Шунда, ўрмонларни — кўркам ёнғоқзор ва арчазорларнинг ўтинга айлантирилиши жараёни вақтида тўхтатилган бўлади.

Туман ёшларининг дарғаси Фахриддин Дадаматовнинг гапларига қараганда, ҳозирги пайтда Ўзбекистон илмий муассасаларида паркентлик беш фан доктори ва 200 дан ортиқ фан номзодлари фаолият кўрсатишмоқда. Ҳассос адиб Хайриддин Султон ва истеъдодли шоира Шарифа Салимованинг муносиб издошлари бўлган ёш истеъдодлар туманда талайгина.

Аён бўлаяптики, Паркент тумани яқин йилларда жонажон ўлкамизнинг аҳолини соғломлаштириш минтақасига ва юксак ишлаб чиқариш марказларидан бирига айланиш ва айлантирилиш имкониятига молик.

Иккинчи кунги учрашувларнинг сўнггиси Намданак қишлоғида бўлиб ўтди. Биз Намданакка етиб борганимизда бу ердаги кўркам боғда Ўзбекистон мустақиллиги икки йиллигига бағишлаб элга ош тортилган экан. Намданакликлар дала ҳовлисидан қайтаётган Ўзбекистон халқ артисти Ғуломжон Ёқубовни даврага бошлаб қўшиқ айттиришганини ва ҳофизнинг ҳозиргина даврани тарк этганини эшитдик.

Бизнинг ташрифимиздан сўнг ҳам даврa совимади.

Элга ош тортган жамоа хўжалиги раҳбарияти намданакликлар билан ижодкорларнинг бевосита мулоқотини уюштирди.

Куй-қўшиқ авжига чиқди.

Қизиқчи Абдуқосим Раҳмонов олдинига кулгидан ичак узди, сўнгра даврадагиларнинг қулоқ чаккасини ўзларига уқалата-уқалата «узилган ичакларни бир-бирига улаш»ни давом эттирди.

Бу тантаналарга ҳам ташриф буюрган Тошкент вилоят ҳокими Сайфулла Сайдалиев намданакликларга бир йил ичида 6 минг аҳоли истиқомат қилувчи кўҳна Намданак тўлиқ газлаштирилишини маълум қилди.

Сайдулла АБДУЛЛАЕВ деган муштарийимиз бизни излаб топди-да:

— Сўнгги чоғларда газетингизда халқимиз ва юртимиз тарихига оид қизиқарли мақолалар бироз сийраклашди. Биз намданакликлар Бобур Мирзо ва унинг авлодлари тарихига оид ажойиб мақолалар босиб чиқарилишини кутиб яшаймиз. Бутун дунё тан олган Акбаршоҳ ва бошқа темурийзодалар ҳақида кўп ўқигимиз келади. «Бобур» видеофильмидаги гўзал «Яхшилиғ» қўшиғини ижро этган хонанда Маъмуржон Тўхтасиновга барча паркентликлар саломини етказсангиз, дея истак билдирди.

Даврада қўр тўкиб, уни тўлдириб, савлат ва кўрк сочиб турган отахонлар билан суҳбатлашдик.

Саъдулла ота ШЕРМАТОВ:

— Меҳр-оқибатни тарғиб этувчи «Туркистон»нинг ҳар янги сонини интизор кутиб яшаймиз. Биз намданакликлар қишлоғимизнинг яқин фурсатда тўлиқ газлаштирилишига ишонамиз. Ҳурматли Президентимиз Ислом Каримов кечаги сессияда айтганларидек ўтиш давридаги қийинчиликлар, хусусан, савдодаги, кўзбўямачилик ва юлғинликлар хусусида кўпроқ ва бешафқат ёзсангиз яхши бўларди.

Мирсобир ота ПЎЛАТОВ:

— Яратганга шукур, қишлоғимиздан, Паркентимиздан тўкинчилик кетгани йўқ. Лекин ғўддайган ширкатчилар 350 сўм турадиган гуручнинг килосини 1600 сўмдан пулга чақаётгани бизга оғир ботмоқда. Ёшларимиз тумандан бутунлай кетиб қолмаслиги учун янги корхоналар қуриш керак. Сизлар бу ишни кўз остингизга олсангиз, назорат қилсангиз, қандай яхши, дедилар.

Мана, ниҳоят улуғ қояларга бош уриб ётган Паркент билан хайрлашув онлари етиб келди.

Бағримизда нимадир узилгандай бўлди.

Гўёки қайтгимиз ҳам келмасди.

Қайтарканмиз, сувратчимиз Муҳаммад Аминнинг улуғ соҳибқиронга адаш Темурбек деган дадил ўғилчаси барчамизга эшиттириб:

— Мен Паркентда қуёшнинг ўзини кўрдим. Унинг юзида доғи йўқ экан, деб қолса бўладими.

Ҳа, Паркент қуёшида доғ кўринмайдиган ва Момо Офтобга доғ солмайдиган гўзал ва ғаройиб юрт экан.

Шуни-да, қалбан, жисмонан ҳис этдик.

Барчамиз.

Зиёвуддин ОРТИҚХУЖАЕВ,
Барнобек ЭШПЎЛАТОВ,
Муҳаммад АМИН
(суратлар).
«Туркистон»нинг махсус мухбирлари.

ТАҲРИРИЯТДАН: Юртимизда кечаётган мустақиллик тўйининг шукуҳи Паркентда ҳам давом этганини ҳис этган бўлсангиз керак. Биз «Туркистон»чилар Паркент тумани ҳокими Эркин ака Рўзматов, «Паркент тонги» рўзномасининг муҳаррири Маҳмуд Тоиров, республика турли газеталарининг вакиллари, радио-телевидение ходимлари, мақолада номлари қайд этилган ва қайд этилмай қолган барча меҳмонлар ва мезбонларни юртимизнинг улуғ байрами билан муборакбод этамиз ва уларга миннатдорчилик билдирамиз.

Байрамингиз билан!











КЕЧА БУГУН ЭРТАГА

● **КРЕМЛДА** Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев билан учрашди. Унда икки мамлакат давлат бошлиқлари — Виктор Черномирдин ва Сергей Терешенколар ҳам иштирок этди.

Қозоғистоннинг Москвадаги элчихонаси матбуот котиби Г. Шамраевнинг РАТА — ТАСС мухбирига маълум қилишича, суҳбат давомида Россия билан Қозоғистоннинг ўзаро иқтисодий ҳамкорлиги, шунингдек ҳамдўстлик давлатлари иқтисодий иттифоқини барпо этиш масалалари муҳокама қилинди.

● **БИР ПАЙТЛАР** Ғарбий қисмларда хизмат қилувчи шўро аскарлари учун тикилган анчагина ҳарбий кийим-кечаклар йўқолиб қолган эди. Улар кутилмаганда Қозоғистоннинг Жамбул вилоятида пайдо бўлиб қолди. 72 вагон ҳарбий кийим-кечак бу ерга Германиядан инсонпарварлик ёрдами сифатида келтирилганди.

Уларнинг Германиядан Жамбулга қандай қилиб келиб қолгани ҳақида бир нарса дейиш қийин. Кўриниб турибдики, деб ёзади «Казахстанская правда» газетаси, кейинги пайтларда Россия матбуотида бир неча марта хабар қилинганидек бу баъзи «ишбилармон» ҳарбий бошлиқларнинг найranглари билан боғлиқдир.

● **УКРАИНА** Бош вазири Леонид Кучманинг РАТА—ТАСС мухбирига айтишича, у истеъфога чиқиш ҳақида ҳеч қандай ариза бермаган. Бир неча кун бурун Украина мустақил ахборот агентлиги унинг истеъфога чиқиши ҳақида хабар тарқатган эди.

● **РОССИЯ**, Қозоғисон, Ўзбекистон ва Арманистон «Янги рубль минтақасини яратишнинг амалий чоралари ҳақида»ги ҳукуматлараро ва банклараро битимни имзолашга келишди. Россия банки раисининг ўринбосари В. Соловьевнинг РАТА — ТАСС мухбирига хабар қилишича, келажакда битимга Белорусь ва Тожикистоннинг қўшилиш эҳтимоли бор.

● **ТУРКИЯ** Президенти Сулаймон Демирэл ва Арманистон Президенти Левон Тер-Петросян ўтган душанба куни телефон орқали суҳбатлашишди. РАТА—ТАСС мухбирининг хабар қилишича, унда Арманистон билан Туркия чегарасида турк қўшинларининг жамланиши хусусида сўз борди.

Икки қўшни мамлакат раҳбарлари Қорабоғдаги ҳарбий ҳаракатларнинг тўхтатилишига ва минтақада тинчлик ўрнатилишига бутун чоралар билан кўмаклашишга келишиб олди.

● **«ОҒАХОН»** жамғармаси Тожикистоннинг Тоғли Бадахшон Мухтор республикасидаги биродарларига инсонпарварлик ёрдами етказиб бермоқда. Душанбе — Хорог йўлининг 10 ой давомида қамал қилиниши оқибатида вужудга келган оғир ижтимоий-иқтисодий аҳволдан жабр кўрган аҳолига ўтган шанба куни озиқ-овқат моллари келтирилди. Вилоят марказида яшовчи ҳар бир оилага 50 килограммдан ун, шунингдек, ёғ, шакар ва бошқа маҳсулотлар тарқатилди.

КЕЧА БУГУН ЭРТАГА

Ўзбекистон–Янги Зеландия:

Дунё—болалар нигоҳида

Ўзбекистонлик ва Янги зеландиялик болалар нигоҳидаги олам уларнинг қўшма кўргазмага қўйилган чиройли асарларида акс этган. Кўргазма болалар бадиий ижодиёти республика марказида очилди ва пойтахтнинг маданий ҳаётидаги муҳим воқеалардан бири бўлди. Кўргазмани очиш маросимида фақат болалар эмас, рассомлар, кино усталари, ёзувчилар, турли жамоат ташкилотларининг вакиллари ҳам қатнашдилар. Кўргазмадан Янги зеландиялик мактаб ўқувчиларининг 80 га яқин, ўзбекистонлик болаларнинг 60 тадан кўпроқ иши ўрин олган.

Олис Тинч океандаги оролларда жойлашган давлатнинг ёш рассомлари кўргазмага юборган асарлар у ерда бўлиб ўтган танловда энг яхши асарлар деб эътироф этилган. Танловни Янги Зеландия тинчлик тадқиқотлари жамғармаси ташкил қилган эди. Бу жамоат ташкилоти Самарқанддаги халқаро тинчлик музейи билан алоқа ўрнатган. Музей фаоллари бу ерда болалар чизган расмлар кўргазмасини ташкил қилишни таклиф этдилар. Янги Зеландия тинчлик тадқиқотлари жамғармаси бу таклифга қўшилиб, мактаб ўқувчиларини «Самарқандга саёҳат» деб аталган танловда иштирок этишга таклиф қилди. Танлов чоғида олис оролдаги болалар Самарқанд шаҳрининг тарихи, маданияти билан танишдилар. Энг яхши асарлар олдин Самарқандда намойиш этилди энди эса, мана, Тошкентга келтирилди.

Кўргазмада намойиш этилаётган асарларни Янги Зеландия авиакомпанияси Ўзбекистон пойтахтига текинга келтириб берганини ҳам айтиб ўтиш керак.

Ўзбекистонлик мактаб ўқувчиларининг асарлари ҳам талабчанлик билан танлаб олинган. Болалар бадиий ижодиёти марказининг ходимлари халқ рассоми Рўзи Чориев билан биргаликда деярли бутун республикани кезиб чиқдилар. Улар ёш рассомларнинг энг яхши суратларини саралаб олдилар. Эндиликда шу асарлар кўргазмада намойиш қилинмоқда.

— Бу кўргазма икки давлат болаларининг ўзига хос мулоқотидир, — дейди Ўзбекистон халқ рассоми Рўзи Чориев. — Уларнинг асарлари гўёки бир-бирини тўлдиради, мактаб ўқувчиларини нималар ҳаяжонга солаётгани ҳақида ҳикоя қилади. Янги зеландиялик болалар чизган расмлар бўёқларнинг ёрқинлиги, дадиллиги, атрофдаги оламни тасвирлашдаги эркинлик билан ажралиб туради. Тафаккурдаги жонлилик — бизнинг болаларимизга хос хусусият. Улар чизган манзара, портрет муаллифларнинг ички дунёсини, руҳий ҳолатини акс эттиради. Болаларимиз чизган расмларда ҳаётбахшлик нафаси уфуриб турганини алоҳида қайд этиш керак.

Ўнлаб болалар биргалашиб чизган катта расм Янги зеландиялик болалар асарлари орасида энг муҳимидир. Бу асарни уларнинг ўзбекистонлик тенгдошларига йўллаган рангтасвирдаги мактуби деса бўлади. Унда юзлаб болалар қўлларининг изи, севимли қўшиқларининг ноталари, ўзбекистонликларга истаклари, Янги Зеландия табиати манзаралари акс этган.

Ўзбекистон томонидан Самарқанддаги халқаро тинчлик музейи, болалар ижодиёти республика маркази ва бошқа ташкилотлар кўргазмани ташкил этишда қатнашди.

И. ГРЕБЕНЮК,
ЎзА мухбири.

ЁШ АКРОБАТЛАР

Қашқадарё вилояти Ғузор туманидаги Ж. Бобомуродов номли ўрта мактабда жисмоний тарбияга эътибор катта. Муштарийларимиз мактабларида тикиш-бичиш, дурадгорлик, расм чизиш каби тўгаракларнинг кўплаб учрашига кўникиб қолганлар. Лекин жисмоний тарбия ва спорт тўгаракларн ҳамма ерда ҳам учрайвермайди. Ғузордаги бу илм даргоҳида эса икки йилки ёш акробатлар тўгараги мунтазам ишлаб турибди. Акробатларнинг икки юзи қип-қизил, руҳлари тетик, бариси чаққон, меҳнаткаш. Энг асосийси, эса, кам касал бўлишади. Шундан-да ота-оналар ёш муаллим, тўгарак раҳбари Ш. Боймуродовдан хурсандлар, миннатдорлар.

Сиз ушбу суратларда Ғузор туманидаги Ж. Бобомуродов номли мактабнинг ёш акробатларини устозлари билан кўриб турибсиз.

Газета саҳифаланаётганда:

ҒЎЗАПОЯДАН СИНФ ХОНАЛАРИ

Пахтачи туманидаги қишлоқ мактабларининг ўқувчилари ҳам, ўқитувчилари ҳам биринчи дарс куни ўз синфларига кириб, кўзларига ишонмай қолишди. Синф хоналарида синган-мертган, кўп марталаб бўялган эски парталар ва столлар ўрнида янги мебеллар турарди.

Бу махсус буюртмани ғўзапоядан ёғоч қиринди тахталар ишлаб чиқаришни ўзлаштирган маҳаллий завод жамоаси бажарди. Ғўзапоя чиқиндиларидан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш технологиясини «Ўздавлаткимёконцер н» мутахассислари ва Пахтачи «Агросаноатэнергия» корхонаси ходимлари ишлаб чиқдилар.

Корхона жамоаси бу материалдан мактаблар учун жиҳозлардан ташқари стол, шкаф, сервант ва бошқа мебеллар тайёрлашда фойдаланиладиган бўлакларни кўплаб ишлаб чиқаришни ҳам ўзлаштирди.

Маълумки, шу пайтгача ғўзапоядан рўзғорда ўтин ўрнида фойдаланиларди ёки у далаларнинг ўзида ёқиб юбориларди. Ғўзапоядан фойдаланиш технологиясининг ишлаб чиқилиши республикадаги мўъжаз мебель фабрикаларини маҳаллий хомашё билан таъминлашидан ташқари, МДҲ республикаларидан материал сотиб олишга кетадиган анчагина маблағни тежаб қолиш имконини ҳам беради.

И. САФАРГАЛИЕВА,
ЎзА мухбири.

Гапнинг пўсткалласини айтайликми сизга? Ўғри билан, порахўр билан, қонхўрлару босқинчилар билан, муттаҳамлар билан олишавериб оқарди бу сочлар. Назаримда, юқоридагиларга ўхшаш кимсаларнинг тупроғи шайтон билан бир жойдан олинган экан. Тасаввур қилинг, булар қилғулигини қилади; жонини қойитмасдан туриб, дурустгина даромад орттиради. Лақмаларни ўзининг ноғорасига ўйнатади, бировнинг жонини олади, бошқасини дўқ-пўписа билан шилиб кетади-да, қармоққа илиниб қолганларидан кейин мутлақо беозор одамнинг қиёфасига киришади-қўяди. Гўё улар «билмасдан» шу ишга қўл урган, «бунақа қилиш ниятида бўлмаган», кайф устида қилиб қўйган, қисқаси ҳаммасини шайтон йўлдан чиқарганмиш-да! Э, тавба дейсан беихтиёр! Ҳақиқий шайтон ким ўзи? Агар жиноят қилиб қўйган ростакам шайтоннинг «иши» менга тушиб қолганида эди, уни индамасдан қўйиб юборган бўлардим. «Майли, хафа бўлма, оғайни. Бўлар иш бўлиб ўтибди. Бунинг устига сен одамзотмассан. Аммо ҳақиқий шайтонлар бизнинг орамизда» дердим дангали. Қора курсида бошини эгиб, ўзини мусичадай беозор қилиб кўрсатишга уринаётган кимсанинг ҳолига ачинаяпсизми? Овора бўласиз. Гарчи уни «шайтон йўлдан оздирган» бўлса ҳам кўзларидан оқаётган шашқатор ёшига қараб раҳмингиз келмай қўя қолсин. Ғишт қолипдан кўчгандан кейин бунақалар йиғлаш у ёқда турсин, керак бўлса, оёғингизга бош уришдан ҳам, худонинг номидан қасам ичишдан ҳам тойишмайди. Бундан кейин бизнинг соҳага алоқадор бирор нарса қораламоқчи бўлсангиз, «жиноятчиям инсон-ку, ахир» деган чиройли гапларни қўллаб юрманг, биродар. Уларнинг ташқи кўриниши шунақа холос. Қўйиб берсангиз, ўн саккиз минг оламдаги жамики шайтонларни бир қатор қилиб сафга тортиб, уларга дарс беришади...

* * *

Икки ойча бўп қолди. Учкўприкка йўлимиз тушувди. Шу туман прокурори Нўъмонжон ака Мирзаев билан учрашиб, узоқ суҳбатлашдик. Илгари бу киши тўғрисида унча-мунча эшитганим бор эди. «Муросасиз прокурор, ишнинг кўзини биладиганлар хилидан» дейишарди. ҳамкасблари. «Қўпол, қўрс, ёпишиб олгани — қонун, ҳеч кимни тан олмайди» дейишарди оғзи қуйганлар.

Нўъмон ака қўлимизга яқиндагина содир этилган қотиллик юзасидан бўлиб ўтган суд йиғилишининг ҳукмидан бир нусха узатди: «Шайтон васвасаси». Худди ўша суд ҳукмига ортиқча гап сўз қўшмасдан уни Сизларга етказишга шошилдик...

«Ўзбекистон Республикаси номидан ҲУКМ.

1993 йилнинг бешинчи январь куни Фарғона вилоят судининг жиноят ишлар бўйича судлов ҳайъати Учкўприк туман халқ суди биносида, вилоят судининг аъзоси С. Ғофуров раислигида, халқ маслаҳатчилари Алимов ва Маҳкамовларнинг, оқловчи О. Худойберганов, прокурор ёрдамчиси В. Мамаюсуповларнинг иштирокида Ўзбекистон Республикаси Жиноят Мажмуасининг 80-моддаси 1, 4-бандлари, 15—80-модданинг 1, 4-бандлари билан Сулаймонов Олимжон Аҳрорқуловичини айблаш бўйича жиноят ишини кўриб чиқди.

Сулаймонов Олимжон Аҳрорқулрвич Фарғона вилояти Учкўприк туманидаги Катта Қоракўл қишлоғида 1967 йилда туғилган, миллати ўзбек, сиёсий фирқаларга алоқасиз. Оилали, ҳарбий, хизматга мажбур, муқаддам судланмаган. Вақтинча ишламайди. 1992 йилнинг 19 сентябрь куни эҳтиёт чорасини қўллаб, қамоққа олинган. Юқоридаги моддалар бўйича айбланиб, судга берилган.

Вилоят судининг вилоят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг суд мажлиси ушбу ишни муҳокама қилиб, қуйидагиларни аниқлади:

Судланувчи Сулаймонов О. А. 1991 йилнинг декабрида Россия Федерацияси, Красноярск ўлка Ленин тумани ички ишлар бўлимига милиционер бўлиб ишга кирган. 1992 йил 11 июнь куни чиқарилган буйруққа асосан хизмат интизомини бузганлиги учун ўз вазифасидан бўшатилган. Ўтган йилнинг 17 сентябрь куни Сулаймонов Красноярск—Тошкент поезди билан «Тошкент» вокзалига келади ва шу ердан ўзи туғилиб ўсган қишлоққа кетиш мақсадида енгил автомашина кутади. Тошкент вилояти Бектемир тумани ҳудудига жойлашган 5-автокомбинатда ҳайдовчи бўлиб ишлайдиган Исмоил Қурбонов Сулаймоновни Қўқонга элтиб қўйиш учун 6 (олти) минг сўм кира ҳақини таклиф қилади. «Меҳмон» бунга рози бўлади. Бироқ, Исмоил ихтиёридаги такси машинаси носоз бўлганлиги учун улар автокомбинатда такси ҳайдовчиси бўлиб ишлаётган Худойберган Нурмуҳамедов ҳузурига келишади. Ҳар икки ҳайдовчи ўзаро келишиб олишгач, Исмоил бошқариб юрган машинанинг яроқли баллонларини Нурмуҳамедовга тегишли бўлган машинага қўйишади. Сўнгра ҳар учаласи — Нурмуҳамедов рулда, йўловчи ҳамда Исмоиллар орқа ўриндиққа жойлашиб, Тошкентдан Қўқон довони орқали йўлга чиқишади. Қўқон шаҳрига етиб келишгач, ҳайдовчи Нурмуҳамедов Сулаймонов кўрсатган йўл орқали Учкўприк тумани Янги қишлоқ қишлоғи ҳудудидан оқиб ўтувчи Катта Фарғона канали ёқасига машинани ҳайдаб чиқади.

Худди ана шу пайтда, тунги соат 23.30 лар чамасида, Олим Сулаймонов келишилган кира ҳақини тўламаслик мақсадида ўзига қарашли сумкадан пичоғини олиб ўнг томонида ўтирган иккинчи ҳайдовчи Исмоиловнинг чап биқинига санчади. Исмоилов оғриқ зўридан «Уҳ, пичоқ урди» деб бақиргач, Сулаймонов, пайтдан фойдаланиб, рул бошқариб келаётган Нурмуҳамедовга ташланади. Рўй берган воқеадан қўрқиб кетган ҳайдовчи машинани тўхтатишга ва ўз-ўзини ҳимоя қилишга ҳаракат қилиб, Сулаймоновнинг сочига ёпишиб олади. Нурмуҳамедовнинг қўлидан қутилиб олган Сулаймонов ўзининг оёқлари орасидаги сумкасини ва тергов жараёнида топилмаган металл болтани олиб, машинадан пастга тушади. У рулда ўтирган Нурмуҳамедовни ҳам ўлдириш мақсадида ўз ҳаракатларини давом эттиради. Бу ҳолатни пайқаган ҳайдовчи машина ойналарини кўтариб, унинг эшикларини ичкаридан беркитиб олишга улгуради. Аммо, Сулаймонов ҳайдовчини ўлдиришга қасд қилиб машина эшиклари ва ойнасига болта билан уришда давом этади. Нурмуҳамедовнинг «бизга пулингиз керак эмас, кетаверинг, фақат бизни тинч қўйсангиз бўлди» деб ёлворишлари ҳам Сулаймоновга таъсир қилмайди. Нурмуҳамедов машинани ўт олдириб юборгач, у ўз йўналиши бўйлаб оҳиста юрганча Катта Фарғона каналига тушиб кетади.

Сулаймонов эса воқеа содир бўлган жойдан қочиб яширинади. Каналга тушиб кетган машина ичкарисидан эсон-омон чиқиб олган Нурмуҳамедов ўз шеригини ҳам қирғоққа олиб чиқмоқчи бўлади. Жароҳат олган Қурбонов эса машина тушиб кетган қирғоққа интилади. Нурмуҳамедов бўлса, Сулаймоновнинг қайта такрорланиши эҳтимоли бўлган ҳамласидан қўрқиб, каналнинг нариги қирғоғига сузиб ўтади. У одамларни ёрдамга чақиради. Ёрдамга етиб келган фуқаро Мансуржон Раимжонов иккаласи Қурбонов Исмоилжонни қирғоққа чиқаришга уринишади. Аммо, Қурбонов чап биқинига урилганича қолиб кетган пичоқ жароҳатидан ҳушига келолмасдан воқеа содир бўлган жойда вафот этади.

Судланувчи Сулаймоновнинг Нурмуҳамедов жавобгарлигидаги «Газ — 2411» русумли, 08—69 ТША рақамли автомашинанинг эшик ва ойналарига болта билан уриши, уни Катта Фарғона каналига тушиб кетиши оқибатида Бектемир туманида жойлашган 5-автокомбинатга 33316 сўм 80 тийин моддий зарар етказилган...

Суд-тиббий экспертизасининг 284-сонли хулосасига кўра марҳум Қурбоновнинг юз қисмида тан жароҳати аломатлари бўлиб, бу жароҳатлар Сулаймоновнинг мушти зарбидан қолган бўлиши мумкин. Сулаймонов судга берган ўз кўрсатмасида «машина ичида мени Нурмуҳамедов ва Қурбоновлар биргалашиб урришган» деган хулосани берган эди. Суд-тиббий экспертизаси эса унинг важларини рад этди, яъни судланувчи Сулаймоновнинг баданида ҳеч қандай тан жароҳати бўлмаган...

Гарчанд тергов органи Сулаймоновга нисбатан «ғаразли ният билан автомашинани эгаллаб, моддий манфаатдор бўлишни кўзлаган» деб айб эълон қилган бўлса-да, бу ҳолат суд тергови жараёнида ўз тасдиғини топмади. Бинобарин ушбуни айбловдан чиқариб ташлашни лозим деб топади.

Жиноят орқали Бектемирдаги 5-автокомбинатга етказилган моддий зарарни судланувчи Сулаймоновдан ундириб олиш тўғрисидаги прокурорнинг даъво аризасини қондириш ҳам мақсадга мувофиқ деб топилди. **Судлов ҳайъати Сулаймонов О. А.га нисбатан жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик** даражасини, ушбу жиноятнинг ғаразли мақсадни кўзлаб содир этилганини, судланувчи шахснинг фойдали меҳнат билан банд бўлмаганини, шунингдек, унинг биринчи маротаба судланаётганини ҳисобга олади.

Бинобарин, **Фарғона вилояти судининг жиноят ишлар бўйича судлов ҳайъати Ўзбекистон Республикасининг ЖПК 279-282, 291-294-моддаларини қўллаб**

ҲУКМ ҚИЛАДИ:

1. Сулаймонов Олимжон Аҳрорқулович Ўзбекистон Республикаси Жиноят Мажмуасининг 80-моддаси, 1, 4-бандлари ва 15—80-моддасининг 1, 4-бандлари билан айбдор деб топилсин.

2. Сулаймонов О . А. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Мажмуаси 80-моддаси, 1, 4-бандларига мувофиқ 15 (ўн беш) йил озодликдан маҳрум этилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Мажмуасининг 15—80-моддаси 1, 4-бандларига мувофиқ 12 (ўн икки) йил озодликдан маҳрум этилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖМнинг 40-моддасини қўллаб, жазонинг енгилини оғирроғи билан қоплаш йўли билан ўташ учун узил-кесил 15 (ўн беш) йил муддат қолдирилиб, жазо кучайтирилган тартибдаги меҳнат колонияларида ўтаттирилсин.

4. Сулаймонов О. А. ҳисобидан Тошкент вилояти Бектемир туманидаги 5-автокомбинатга 33316 сўм 80 тийин моддий зарар ундирилсин.

Далилий ашё — пичоқ йўқ қилинсин. Ҳукмдан норози бўлган томон ўн кун муҳлат ичида вилоят суди орқали Республика Олий судига шикоят ёки протест киритиши мумкин.

Раислик қилувчи:
имзо. С. ҒОФУРОВ

Халқ маслаҳатчилари:
имзо М. АЛИМОВ
имзо. И. МАҲКАМОВ.»

Агар эътибор берган бўлсангиз, ҳукмни жузъий қисқаришлар билан ҳавола қилдик. Сабаби... Сабаби яна ўша, «шайтон васвасаси».

Хизмат юзасидан кўплаб шаҳар ва туманларда, турлича табиатли кишилар даврасида бўлишимизга, баъзида эса юқоридаги каби суд йиғилишларида қатнашишимизга ҳам тўғри келади. Яқинда водий туманларининг бирида ўтказилган суд мажлисида иштирок этиш зарур бўлиб қолди. Ёнимга келиб ўтирган зиёлинамо, кун тандирдек қиздираётганига қарамай гулдор бўйинбоғ тақиб олган хўппа семиз бир киши қулоғимга аста пичирлади:

— Ука, сиз газетаданмисиз?

— Ҳа, нимайди?

— Бир оғизгина жиддий гапим бор эди, ҳолироқ жойга чиқайлик.

— Энди ўзингиздан қолар гап йўқ, акаси, деб қолди. Бугун «иши» кўриладиган «кадр» бизни жиянча бўлади. Озгина ёшлик қилиб, шу ишга аралашиб қопти денг. Аслида ўзи унақа жа ёмон йигит эмасу, шерикларининг мазаси йўқми дейман-да. Отаси, яъни биззи поччамиз «заслуженний» ўқитувчи, опамизам шу соҳадалар. Гапнинг очиғини айтадиган бўлсам, ишнинг бу ёғини ўзимиз келишамиз, лекин «группавуй»нинг тоши вазминроқ бўлади дейишаяпти. Шунга Сиздан бир илтимос, ука, судьяга ўзингизни бир танитиб қўйсангиз, мана шу йигитча ўзимизники, деб қўйсангиз, бўлди, олам соф. Биз гаплашиб қўйган судья «иш»ни шеригига оширворибди, бугун ўша шериги кўраркан «иш»ни. Ҳа, энди карнайчидан бир «пуф»да. Оға-ини бўп кетамиз ҳали, аканг ўргулсин. Биздаям қоп кетмас. Агар шунақа қилмасак, буларнинг қўлидан ҳар нима келиши мумкин...

Очиғи, энсам қотиб қолди. Бу одам ким ўзи? Нега даб-дурустдан шунчалик «дангалчилик» қилаяпти? Тишимни тишимга қўйиб суд мажлисининг охиригача ўтирдим. Иш қонуний якун топди. «Жиянча» ҳам қилмишига яраша жазосини олиб, суд залидан қамоққа олинди. Бояги амакини қидираман. Йўқ.

«Қора курси»га ўтирганидан кейингина шайтон ёдига тушиб қоладиган одамларнинг гапига энди сира ишонмаймиз, Нуъмон ака! Каттакичик шайтонлар шуларнинг ўзи! Ушбуни тугатаётиб салкам латифага айланиб кетган бир ривоят эсга тушиб қолди...

...Бир куни ёруғ оламга, Инсонлар орасига шайтон келиб тушибди. Унинг мақсади, Инсонларни бир-бирларига қайраш, жанжал чиқариш, куфр ишларга етаклаш ҳаммани пировардида дўзахи қилиш экан. Аммо, одамлар ўртасидаги ҳурмат ва меҳрнинг кўтарилиб бораётганини, шафқатсизлик илдиз отаётганини, фирибгарлик, қаллоблигу зўравонликларни ўз кўзи билан кўриб:

— Э, афсус! Бу ерда менга лойиқ ишнинг ўзи қолмапти. Ҳаммасини одамзотнинг ўзи эплаяпти экан. Қойил-е! — деганча жўнаб қолибди.

Шайтоннинг кетганлиги, аввало, рост бўлсин. Лекин, «ўзимизнинг шайтонлар»га инсоф берсин экан. Уларнинг шаклу шамойили беҳисоб. Бири тузоққа илиниб, бошини ҳам қилиб ўтирибди, бошқаси тишларини ғижирлатиб, темир панжаралар ортида жазосини тортаяпти. Бироқ, ҳар қандай қопқонларга чап бериб сизу бизнинг орамизда, ёнгинамизда яшаб юрган, икки қўлини кўксига қўйиб, юрагида адоват ва разолат уруғларини ундираётган, истаган пайтда бургутдек ваҳший қиёфага киришга-да тайёр турган «шайтон»лар қанчадан-қанча!

Иброҳим РУСТАМОВ.
вилоят прокурори катта ёрдамчиси

Рустам БОЙ МУҲАММАД.
«Туркистон»нинг ўз мухбири.

Келгуси сонда:

- ● **ҚОҒОЗДАГИ ВА ХИРМОНДАГИ ТОННАЛАР**
- ● **ҚУЙГАН ҚАЛБЛАР НИДОСИ**

Бош муҳаррир: Жаббор РАЗЗОҚОВ
Таҳрир ҳайъати: М.АБДУСАМАТОВА, А.АҲМЕДОВ (бош муҳаррир ўринбосари), З.МАМАДАЛИЕВ, К.РАҲИМОВ, З.РИХСИЕВ (масъул котиб), С.РУСТАМОВ, Б.ЮСУПОВ.

Таъсис этувчи:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ
ва
"ТУРКИСТОН" ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ
газета 1925 йил 8 февралдан "Ёш ленинчи" номи билан чиқа бошлаган.

☎ ТАҲРИРИЯТ: ☎
хатлар ва оммавий ишлар – 32-56-57; ёшлар сиёсати ҳамда фан ва халқ таълими – 32-57-93; ижодкор ёшлар – 32-57-52; иқтисод, қишлоқ ёшлари, спорт ва ватанпарварлик – 32-55-81; ахборот ва бадиий безаш – 32-53-98; тижорат – 32-58-48; қабулхона – 32-56-58.

МАНЗИЛИМИЗ:
700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Нашр кўрсаткичи: 64607

Газетамиз ҳафтанинг сешанба, пайшанба, шанба кунлари чиқади.

Қўлёзмалар ҳамда суратлар муаллифларга қайтарилмайди ва таҳлил этилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Манзилгоҳи: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.. 1 2 3 4 5 6
Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00130. Буюртма Г — 542. 59122 нусхада босилди, ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А—2. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 20.50 да.